

7-10-2019

THE POSSIBILITY OF INCREASING THE EXPORT POTENTIAL OF FRUITS AND VEGETABLES IN UZBEKISTAN

Tuygunoy Ahmadjanovna Mamadjanova
Termez State University Senior lecturer

Dilmurod Nematovich Baymirzaev
Namangan State University Basic doctoral student

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Mamadjanova, Tuygunoy Ahmadjanovna and Baymirzaev, Dilmurod Nematovich (2019) "THE POSSIBILITY OF INCREASING THE EXPORT POTENTIAL OF FRUITS AND VEGETABLES IN UZBEKISTAN," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 20.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

THE POSSIBILITY OF INCREASING THE EXPORT POTENTIAL OF FRUITS AND VEGETABLES IN UZBEKISTAN

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамаджанова Туйғуной Аҳмаджановна
Термез давлат университети Катта ўқитувчи
Баймирзаев Дилмурод Нематович
Наманган давлат университети таянч докторант

Аннотация. Мақолада мева-сабзавот маҳсулотларига халқаро бозорда талабни шакллантириш масаласи иқтисодий-математик усуллар асосида тадқиқ қилинган. Экспорт ҳажмини ошириш имконини берувчи омиллар аниқланган ва таҳлил этилган. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажмини қўшимча ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маркетинг коммуникацияси, мева-сабзавот маҳсулотлари, экспорт, халқаро бозор, талаб, истеъмолчилар, корреляция, регрессия.

ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Мамаджанова Туйғуной Аҳмаджановна
Термезский государственный университет Старший преподаватель
Баймирзаев Дилмурод Нематович
Наманганский государственный университет базовый докторант

Аннотация. В статье рассматривается вопрос формирования спроса на плодоовощную продукцию на международном рынке экономико-математическими методами. Определены и проанализированы факторы, которые позволяют увеличить объем экспорта. Разработаны практические рекомендации по дополнительному увеличению объемов экспорта плодоовощной продукции.

Ключевые слова: маркетинговая коммуникация, плодоовощная продукция, экспорт, международный рынок, спрос, потребители, корреляция, регрессия.

THE POSSIBILITY OF INCREASING THE EXPORT POTENTIAL OF FRUITS AND VEGETABLES IN UZBEKISTAN

Mamadjanova Tuynunoy Ahmadjanovna
Termez State University Senior lecturer
Baymirzaev Dilmurod Nematovich
Namangan State University Basic doctoral student

Abstract. The article deals with the formation of demand for fruits and vegetables in the international market by economic and mathematical methods. The factors that allow to increase

the volume of exports are identified and analyzed. Practical recommendations on additional increase of export volumes of fruit and vegetable production are developed.

Keywords: marketing communication, fruits and vegetables, export, international market, demand, consumers, correlation, regression.

Талабни шакллантириш маркетинг коммуникацияси тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Маркетинг коммуникацияси – бозор муҳитида сотиш жараёнида ҳамкорлар гуруҳини шакллантириш мақсадида ташкил этиладиган чора-тадбирлар мажмуи. Мазкур чора-тадбирлар талабни шакллантириш тизими билан ўзаро боғлиқ равишда амалга оширилади [3]. Шунинг учун мева-сабзавот маҳсулотларига халқаро бозорда талабни шакллантириш борасидаги тадқиқотларимизда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланишни лозим топдик.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш Агентлиги буюртмаси ҳамда Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси (IFAD) молиявий кўмаги асосида олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан, етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмолчиларга тайёр маҳсулот кўринишида етиб боргунга қадар бир қатор технологик жараёнлардан ўтади. Қуйидаги 1-жадвалда 2016 йилгача мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиш босқичлари келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиш босқичлари

Маҳсулот тури	Сақлаш, %	Қайта ишлаш, %	Янги узилган ҳолда истеъмолчига етказиш, %	Йўқотиш, %
Мева	20	10	40	30
Сабзавот	30	10	30	30

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотларининг 20-30 фоизи сақланмоқда, 10 фоизи қайта ишланмоқда ва йиғиштириб олинган маҳсулотларнинг 30-40 фоизигина истеъмолчиларга етиб боради, холос. 2017 йилда олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида умумий ҳолда қуйидаги қийматларга эгаллиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиш босқичлари (2017 йилда)

Маҳсулот тури	Сақлаш,	Қайта	Янги узилган ҳолда	Йўқотиш,
---------------	---------	-------	--------------------	----------

	%	ишлаш, %	истеъмолчиларга етказиш,%	%
Мева-сабзавот маҳсулотлари	30	20	35	15

Мева-сабзавотлар пишиб етилиши билан уларни ўз вақтида йиғиб олиш ва кейинги босқичларга етказиш яхши натижа беради. Ҳозирда етиштирилаётган мева-сабзавотларни истеъмолчиларга етказишнинг қуйидаги асосий усуллари мавжуд:

- янги узилган ҳолда бозор ва супермаркетларга етказиш;
- сақлаш (вақтинчалик сақлаш омборларида, маҳсус совутиш камералари ёрдамида, музлатилган ҳолатда сақлаш);
- қайта ишлаш (қуритиш, консервалаш, шарбат, концентрат, мураббо, газакбоб ва сирқаланган маҳсулотларни тайёрлаш).

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида, биз ўз тадқиқотимизда, мева-сабзавот маҳсулотларини X_1 - сақлаш, X_2 - қайта ишлаш, X_3 - янги узилган ҳолда истеъмолчиларга етказиш, X_4 - йўқотиш каби омилларнинг ўзаро боғланганлик даражаси (корреляцияси) ҳамда ўзаро таъсирини эконометрик таҳлил қилиш ва нормалашган регрессия тенгламасини тузиб олишни мақсадга мувофиқ деб билдик (1-жадвал).

1-жадвал натижаларига кўра, барча танланган омиллар натижавий омил билан ўртачадан кучли даражада боғланган. Омиллар ўртасида $|r_{x_1, x_2}| > 0,8$ шарт бажарилганлиги сабабли, омиллар ўртасида мультиколлениарлик мавжуд эмас [4].

EViews дастури ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004-2017 йиллардаги статистик маълумотларидан фойдаланиб, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ўзгаришининг нормалашган регрессия тенгламаси тузиб оламиз:

$$Y = 527,16 - 1,13 * X_1 + 2,4 * X_2 + 2,41 * X_3 - 0,33 * X_4 \quad (1.1)$$

Бу ерда: X_1 - сақлаш; X_2 - қайта ишлаш; X_3 - янги узилган ҳолда истеъмолчига етказиш; X_4 - йўқотиш.

3-жадвал

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича танланган омиллар ўртасидаги корреляцион боғланиш

	$Y_{\text{экспорт}}$	X_1	X_2	X_3	X_4
$Y_{\text{экспорт}}$	1				
X_1	0,835899	1			

X_2	0,862916	0,679996	1		
X_3	0,931991	0,753243	0,785666562	1	
X_4	0,741987	0,795812	0,69829626	0,799356	1

Манба: Муаллиф ишланмаси

Аниқланган (1.1) – моделнинг ишончли ва адекватлигини текшириш учун Фишернинг F -мезони, Стюдентнинг t -мезони ҳамда Дарбин-Уотсон DW -мезонидан фойдаланамиз. Бир қаторли мезонлар бўйича олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал натижаларига кўра, $P = 0,01$ даражасидаги муҳим маълумотлар, одатда, статистик муҳим деб, $P = 0,05$ ёки $P = 0,001$ даражасидаги маълумотлар эса ўта муҳим деб қаралади ҳамда аниқланган тенглама ўта муҳимлиликни англатади.

Агар $F_{\text{хисоб}} > F_{\text{жадвал}}$ (жадвал; бўлса, $k_1=12$, $k_2=11$ озодлик даражаси ҳамда $\alpha = 0,05$ қийматдорлик даражасига кўра, $11,8 = F_{\text{хисоб}} > F_{\text{жадвал}} = 2,79$ шартлар бажарилганлигидан (1.1)-модел коэффициентлари ишончли деб ҳисоблаш мумкин.

Akaike, Schwarz ва Hannan-Quinn мезонлари моделнинг ишочли ва адекватлигини кўрсатсада, Стюдент тақсимотнинг критик нуқталари жадвалидан берилган $\alpha = 0,05$ қийматдорлик даражаси ва $K=13$ озодлик даражалари сони бўйича $|t_{\text{кузат}}| > t_{\text{жадвал}}$ шарт бажарилишини текширилади [5].

Шу боис, ҳар бир параметрни кўриб чиқилади. Унга кўра, $t_{x_1} = 2,79$; $t_{x_3} = 2,87$ ва $t_{x_2} = 2,2$ ҳамда $df = 13$ озодлик даражалари сони бўйича жадвал қиймати $t_{\text{жадвал}} = 2,16$ га тенг бўлганлиги қўйилган шартни қаноатлантирилади, аммо $t_{x_4} = -0,295$ параметрнинг аҳамиятлилиги башорат моделининг сифатини белгиловчи $MARE < 10\%$ ва $0 \leq TIC \leq 1$ бўлган мезонлар бўйича текшириш мақсадга мувофиқдир.

4-жадвал


(1.1)-моделнинг мезонлар текшируви натижаси

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
X1	1.1323	0.13524	2,79414	0,068854
X2	2.3543	0.82093	2,86784	0,442166
X3	2.39941	1.08912	2,203072	0,030319
X4	-0.33234	1,12483	-0,295458	0,809368
C	527,1537	1067,828	-0,31346	0,761073
R-squared	0.872916	Mean dependent var		4816.000
Adjusted R-squared	0.909374	S.D. dependent var		3001.615

S.E. of regression	2668.950	Akaike info criterion	18.90048
Sum squared resid	56986345	Schwarz criterion	19.11777
Log likelihood	-117.8531	Hannan-Quinn criter.	18.85582
F-statistic	11.794463	Durbin-Watson stat	1.97413
Prob(F-statistic)	0.001312		

Манба: Муаллиф ишланмаси

1-расмда келтирилган башорат сифати жуда аъло бўлиб, $MAPE = 9,8 < 10\%$. Шунингдек, қаралаётган мазкур жараёнда $TIC = 0,0325$ га тенг бўлганлиги учун башорат сифати жуда юқоридир. Демак, (1.1) – нормаллашган регрессия тенгламаси ишончли ҳамда адекват саналади.



Манба: Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси

1-расм. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажми ўзгариши башоратининг ретроспектив графиги.

(1.1) – моделга асосланиб, омиларни 1 фоизга ошириш ҳисобидан мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашдан 1,13 фоиз, маҳсулотларни йўқотишдан 0,33 фоиз, умумий ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажмининг 1,46 фоиз камайишига олиб келиши аниқланди.

Бирок, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш (2,4 фоиз), янги узилган ҳолда истеъмолчиларга етказиш ҳисобидан (2,41 фоиз) мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажмини қўшимча ошириш имконини бериши аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, мева-сабзавотларни нафақат нобуд бўлишини олдини олиш, балки экиладиган майдонларни кенгайтириш ва олинadиган ялпи ҳосилни ошириш мазкур соҳа мутахассислари олдига катта вазифаларни юклайди. Бунинг учун, биринчи навбатда, экиладиган мева-сабзавот навлари

селекциясига ва уларга агротехник ишлов бериш жараёнларига катта эътибор берилиши лозим.

Маълумки, маҳсулотларни сотишда нарх даражаси муҳим ўрин тутди. Нарх даражаси бозорда талаб ва таклиф асосида шаклланади. Бу тамойил мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида ҳам амал қилади. Бироқ, реал бозор шароитида мева ва сабзавотлар нархи турли хил иқтисодий ва ижтимоий мазмундаги омиллар таъсирида шаклланади. Хусусан, мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида нархлар мавсумийлик, сифат, савдо нуқталарида фаолият кўрсатиш, сотувчи ва харидорлар-нинг ижтимоий мақоми (масалан, касалхона, болалар муассасалари, санаторий, пансионат) ва бошқаларга боғлиқ бўлади [1].

Мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида мавсумий нарх тебраниши доираси жуда каттадир. Бозор нархларининг бундай тебраниши мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг мавсумийлиги, уларни сақлаш, ташишдаги қийинчиликлар ва бошқа омиллар билан боғлиқ. Мавсумий нархлар тебранишининг барқарорлашуви мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Уни ҳал қилишнинг асосий йўналишлари мева ва сабзавот экинларининг такрорий экилишини кенгайтириш, парник ва иссиқхоналар фаолиятини ривожлантириш ҳисобига ишлаб чиқариш муддатини узайтиришда ётади.

Нархнинг бундай қимматлашуви қатор омиллар, хусусан:

- а) таклиф чекланган ҳолда талабнинг ўсиши;
- б) мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситаларининг қимматлашуви;
- в) мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг даромадларини ошириш зарурати;
- г) сервис хизматлари кўрсатишдаги камчиликлар таъсири остида рўй беради [2].

Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш нархлари ўсишидаги иккинчи омил фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситалари, техника, ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, кимёвий воситалар ва бошқалар нархининг қимматлашуви билан боғлиқ. Кўрилаётган чораларга қарамай, сабзавотчилик ва боғдорчиликда турли сабабларга кўра, масалан, энергия ресурслари, ишчи кучи ва бошқаларнинг қимматлашуви туфайли ишлаб чиқариш воситалари истеъмолининг бозор нархлари ўсиши сабабли рўй беради. Ушбу жараён барча учун умумий характерга эга бўлиб, Наманган вилоятида ҳам уни ҳисобга олишга тўғри келмоқда.

Бироқ, мева-сабзавотларни улгуржи ва чакана савдоси тегишли сервис хизмати кўрсатиш мавжуд бўлмаган шароитларда уни ташкил қилиш, хусусан, транспорт воситасида ташиш, ўрама (тара) билан таъминлаш, сақлаш, оддий

савдо инвентарини ташкил қилиш билан боғлиқ қатор камчиликларга эга. Охириги пайтларда деҳқон бозорларида, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи деҳқонлар учун жойлар, савдо учун инвентарлар, товарлар сақлаш учун камералар ва ҳ.к.лар ажратиш йўли билан тартиб йўлга қўйилмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт салоҳиятини ошириш имконини берди. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, авваламбор, танланган (мева-сабзавот маҳсулотлари майдони ва ялпи мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми) омиллар билан натижавий омил (мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти) ўртасидаги корреляцион боғланиш даражасини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

References

1. Agarkova L.V. Formirovanie mexanizma ustoychivogo razvitiya plodoovoshnogo podkompleksa: teoriya i praktika. – Stavropol: Stavrolit, 2010. – 168 s.
2. Adilova Z.D. Xalqaro bozorlarda marketing strategiyasi: nazariya va amaliyot. –T., 2009. -282 b.
3. Qosimova M.S., Yusupov M.A., Ergashxodjayeva SH.D. Marketing. Darslik, - T.: TDIU, 2010. 265 b.
4. Kremer N.SH. Ekonometrika: Uchebnik. /Pod. red. N.Sh.Kremera. -M.: YUNITI-DANA, 2008.
5. Gorbunov V.K Matematicheskaya model potrebitelskogo sprosa. M.: Ekonomika, 2004.